

Mukhammadolim MUKHAMMADSIDIQOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Associate Doctor of Political Sciences docent of the
International relation chair.
m.muxammadsiddiqov@iiaau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

АРАБ ДАВЛАТЛАРИДА ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ СЕКУЛЯРИЗМА И РЕЛИГИОЗНЫХ ПРИНЦИПОВ В АРАБСКИХ СТРАНАХ

PROBLEMS OF REGULATION OF SECULARISM AND RELIGIOUS PRINCIPLES IN ARAB COUNTRIES

Калит сўзлар: *Араб Шарқи, революция, радикал кайфиятдаги ёшлар, коррупция, авторитаризм, конфессия, кланлар, миллий-этник, диний-этник, «Араб баҳори», Гаага суди.*

Ключевые слова: *Арабский Восток, революция, радикальная молодежь, коррупция, авторитаризм, конфессия, кланы, национально-этнические, религиозно-этнические, арабская весна, Гаагский суд.*

Key words: *The Arab East, revolution, radical youth, corruption, authoritarianism, confession, clans, national-ethnic, religious-ethnic, The Arab Spring, The Hague Court.*

Жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом кадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутблйдир. Жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётгани, баъзан эса ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитаяпти. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Шунинг учун ислом дини, маданияти ва тарихини тадқиқ этиш, дунёвийлик ва динийлик масалаларини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Чунки кўп қутбли дунё, глобаллашув ва универсаллашув шароитида давлатлар халқаро муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллашга интил-

моқда. Бу интилишлар турли сиёсий кучлар, айниқса, ривожланган мамлакатлар томонидан янги мустақил давлатларни ўз таъсир доираларида тутиб туриш, узоқ тарихига эга диний омилдан фойдаланиб, геосиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлидаги ошқора ва пинҳона ҳаракатларида намоён бўлмоқда.

XXI асрда дунёнинг турли ҳудудларида узоқ вақт давомида давлатлар ички ва ташқи сиёсатида дин омилнинг таъсири тобора ошиб бораётгани очиқ-ойдин намоён бўлди. Бу таъсир «совуқ уруш»нинг якунланиши, икки қутбли тизимнинг барҳам топиши, жаҳонда бир қутбли ривожланиш жараёнининг бошланиши, турли давлатларнинг манфаатлари ўртасида қарор топган мувозанатнинг бузилиши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида фаол субъект сифатида қад кўтариши натижасида рўй берган глобал геосиёсий ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Мазкур жараёнлар аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат собиқ шўро республикаларида исломнинг уйғониши билан боғлиқ ҳаракатлар билан параллел равишда кечганлиги кузатилди. Бу ҳолатга бугунги дунёда рўй бераётган кенг миқёсли жараёнларнинг узвий қисми сифатида қараш мумкин.

Зеро, сайёрамизнинг турли нуқталарида, жумладан, Яқин Шарқ ҳамда Шимолий Африкада кузатилаётган ноҳуш воқеа-ҳодисалар, халқаро терроризм, диний радикализмнинг авж олиши каби салбий жараёнлар дунё миқёсида глобал қарама-қаршиликнинг кескинлашуви билан биргаликда кечмоқда. Бу жараёнлар доирасида халқаро муносабатларнинг субъектлари томонидан халқаро хавфсизликни таъминлаш имкониятларининг кескин даражада пасайиб кетганлиги ва айни бир пайтда халқаро хавфсизликни таъминловчи механизмларнинг заифлашуви каби салбий тенденциялар ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта» (Karimov, 2015:273).

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кейинги йилларда содир этилаётган террористик хатти-ҳаракатлар, диний экстремизмнинг радикаллашуvinинг кучайиши, яъни уюшган трансмиллий террористик гуруҳларнинг ваҳшиёна фаолиятининг кенгайиши фикримизнинг далилидир. Воқеаларнинг

Ижтимоий-сиёсий трансформация тўлкини 2010 йил декабрь ойида Тунис ва Жазоир давлатларида бошланиб, «Араб баҳори» воқеалари мураккаб ички вазиятга қаршилиқ ҳаракати эканлиги, бу ҳодисаларни ҳаракатга келтирувчи ички ва ташқи сабаблар мавжудлигини исботлаш мазкур мақоланинг мақсади ҳисобланади.

Мақолада сиёсийлашган исломнинг араб давлатларидаги модернизация жараёнларига, ижтимоий-сиёсий ва геосиёсий жараёнларга таъсир даражаси аниқланди. Беқарорлик ўчоғига айланаётган Африка араб давлатларида рўй бераётган сиёсий воқеликларни, диний муносабатларни тартибга солишнинг илмий асосларини яратиш заруратини ўрганади. Шу нуқтанан зардан Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнлар тадқиқ этилган. Ижтимоий-сиёсий трансформация жараёни минтақадаги Тунис, Миср, Ливия ва Форс кўрфазидаги бошқа мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди.

Бунда минтақадаги ҳар бир давлат ичидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши қўшни давлатларга тўғридан-тўғри таъсир этади. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада сўнгги йилларда содир бўлган ўзгаришлар янада қийин ва ўзаро боғлиқ вазиятни вужудга келтириб, нафақат қўшни минтақалар, балки жаҳонда хавфсизлик ва барқарорлик нисбатининг ўзгаришига олиб келади.

Шунингдек, бу ижтимоий ва диний ҳаракатлар натижаси бўлиб, Тунис, Миср, Ливиядаги амалдаги режимлар кулаши, Ямандаги ҳокимият элитасидаги ўзгаришлар ва бугунги кунга қадар давом этаётган Суриядаги расмий ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги кураш номаълум муддатгача давом этаётганини келтириш мумкин. Агар Тунис, Миср ва Яманда амалдаги режимга қарши намоёнлар ички омилар, ижтимоий-иқтисодий инқироз, ҳукмрон элитанинг коррупцияга ботиб кетгани, ҳақиқий демократик эркинликларнинг йўқлиги, этноконфессионал қарама-қаршилиқларга асосланган бўлса, Ливия ва Сурияда эса ҳал қилувчи омили муҳолиф қучларнинг ташқаридан қўллаб-қувватланиши ташкил этди.

Араб баҳорининг Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига таъсир даражаси турлича бўлди. Шартли равишда Араб баҳори ижтимоий-сиёсий ларзалари давлатлар сиёсий жараёнлари характерида чуқур из қолдирган Тунис, Миср, Яман, Баҳрайн, Ливия, Сурияни ва бу ҳодисалар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга қисман таъсир кўрсатган Марокаш, Иордания, Ливан, Жазоир, Кувейт, Саудия Арабистони, Ўмон каби давлатларни келтириш мумкин.

Бу воқеалар Сомали, Мавритания ва Кумур ороллари Республикасидан ташқари барча араб дунёсини қамраб олиб, давлатларнинг кейинги сиёсий тақдирини ўзгартариш билан бирга уларнинг сиёсий тизимлари ва тузумларида янгиланишлар олиб келди.

Цель этой статьи - продемонстрировать, что волна социально-политических трансформаций, начавшиеся в декабре 2010 года в Тунисе и Алжире, под названием «арабской весны» была явлением, вызванным сложной внутренней ситуацией, а также были внутренние и внешние факторы, которые спровоцировали эти события.

В статье исследуется степень влияния политического ислама на процессы модернизации, геополитики, а также социально-политического развития, в том числе исследуется необходимость создания научной основы для регулирования религиозных отношений в арабских африканских странах, которые стали источником нестабильности. В этом контексте изучаются политические процессы в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Процессы социальных и политических трансформаций оказал влияние на политические системы Туниса, Египта, Ливии и других стран Персидского залива.

В то же время изменения социально-политической ситуации в каждой из стран региона напрямую влияют на их соседние государства. Недавние события на Ближнем Востоке и в Северной Африке создали более сложную и взаимозависимую ситуацию, что привело к изменениям в отношениях безопасности и стабильности не только в соседних регионах, но и в мире.

Также результатом социальных и религиозных волнений явилось свержение правящих режимов в Тунисе, Египте, Ливии. Привели к изменениям в правящей элите в Йемена и по сей день продолжается борьба между сирийским правительством и оппозицией. Если демонстрации против режима в Тунисе, Египте и Йемене были основаны на внутреннем социально-экономическом кризисе, коррупции правящей элиты, отсутствии подлинных демократических свобод и этноконфессиональной конфронтации, то ключевым фактором в Ливии и Сирии была поддержка внешних сил.

Влияние «арабской весны» на Северную Африку и Ближний Восток неодинаково. В результате политических и экономических потрясений «арабской весны» такие страны как Тунис, Египет, Йемен, Бахрейн, Ливия, Сирия серьезно пострадали от них. А на Марокко, Иорданию, Ливан, Алжир, Кувейт, Саудовскую Аравию и Оман они оказали лишь поверхностное влияние.

Эти события охватили весь арабский мир, за исключением Сомали, Мавритании и Коморские острова, и привели к изменению их политических систем, структур, а также политической будущности государств.

The purpose of this article is to demonstrate that the wave of socio-political transformations that began in December 2010 in Tunisia and Algeria, called the «Arab Spring», was a phenomenon caused by a difficult internal situation, as well as internal and external factors that triggered these events.

The article examines the degree of influence of political Islam on the processes of modernization, geopolitics, as well as socio-political development, including the need to create a scientific basis for regulating religious relations in Arab African countries, which have become a source of instability. In this context, political processes in North Africa and the Middle East are studied. The processes of social and political transformations have influenced the political systems of Tunisia, Egypt, Libya and other Gulf countries.

Also, the result of social and religious unrest was the overthrow of the ruling regimes in Tunisia, Egypt, Libya. They led to changes in the ruling elite in Yemen and to this day the struggle continues between the Syrian government and the opposition. If the demonstrations against the regime in Tunisia, Egypt and Yemen were based on the internal socio-economic crisis, corruption of the ruling elite, the absence of genuine democratic freedoms and ethno-confessional confrontation, then the support of external forces was a key factor in Libya and Syria.

At the same time, changes in the socio-political situation in each of the countries of the region directly affect their neighboring states. Recent events in the Middle East and North Africa have created a more complex and interdependent situation, which has led to changes in the relations of security and stability not only in neighboring regions, but also in the world.

The influence of the «Arab spring» on North Africa and the Middle East is not the same. As a result of the political and economic upheavals of the Arab Spring, countries such as Tunisia, Egypt, Yemen, Bahrain, Libya, Syria were seriously affected by them. And on Morocco, Jordan, Lebanon, Algeria, Kuwait, Saudi Arabia and Oman, they had only a superficial influence.

These events spanned the entire Arab world, with the exception of Somalia, Mauritania and the Comoros, and led to a change in their political systems, structures, as well as the political future of states.

бундай авж олишида албатта халқаро ҳамжамият томонидан ушбу таҳдид омилларига нисбатан ўз вақтида жиддий ва етарли эътиборнинг берилмагани ёки ёндашувлардаги муштаракликнинг мавжуд эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда (Idirov, 2016:136-139).

Исломнинг жамият ва сиёсатдаги роли кучайишининг глобаллашуви нафақат мусулмон давлатлари ва ҳудудларини, балки ислом динига эътиқод қилувчи аҳолиси кам бўлган Ғарб давлатларини ҳам қамраб олди. Бундан ташқари ХХI асрда мусулмон дунёсини ички можаролар безовта қила бошлади. Бу авваламбор, Яқин Шарқ минтақасида вужудга келган «Ироқ ва Шом ислом давлати» ва унинг салбий мафкуравий қарашлари бутун дунё ёшлари қаторида Марказий Осиё ёшлари онгини зарарлашга интилишида, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ, Шимолий ва Марказий Африка ҳудудларига диний фундаментализм таъсирининг ёйилишида намоён бўлди.

Шу сабабдан, Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ чуқур англаган ёндашув, сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, қайта тикланаётган кадриятларга танлама ёндашув, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш йўсинидаги умумбашарий кадриятларни бойитиб боришда муҳим аҳамият касб этган миллий урф-одатларимизни ривожлантириш йўлини танлади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан жамиятнинг маънавий-диний асосларини қайта тиклаш учун кенг имконият яратиб берилди.

Барча монотеистик динлар, хусусан, ислом дини ўзининг юксак инсонпарварлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик каби ғоялари билан жамиятнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Дунёнинг турли ҳудудларида ислом дини қадриятларининг уйғониши, диннинг жамиятдаги ўрни кучайиши билан бирга исломга боғлиқ мутлақо янги хавф-хатарлар шаклланмоқда. Бундай хавф-хатарлар, яъни дин ниқоби остидаги экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик зуғуми, оммавий қирғин қуроли тарқатилишининг миллий тус олиши, авваламбор, ислом дунёсининг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлари беқарор бўлган ҳудудларида яққол намоён бўлмоқда. Таассуфки, кўпинча бу ҳолатни баъзилар жуда соддалаштириб

талқин этишяпти. Масалан, айрим тадқиқотчи ва сиёсатшунослар мусулмон давлатларини ва ҳатто, исломнинг ўзини ҳам «жаҳон цивилизацияси»га таҳдид сифатида қабул қилишмоқда. Соддалашган нуқтаи назарлардан яна бирига кўра, исломнинг жамиятга таъсири ва ундан сиёсий мақсадларни илгари суриш манбаи сифатида фойдаланилиши ижобий тусга эгаллиги ҳақидаги масаладир (Munavvarov, Z., & Jo'rayev, Z. 2018). Зеро, иккинчи нуқтаи назар ҳар ҳолда ҳақиқатга яқинроқ бўлса ҳам, бундай сиёсийлаштирилган ёндашувлар диннинг ўзига ҳам, динни тарқатувчи давлатларнинг барқарорлигига ҳам катта зиён етказмоқда.

Ҳозирги даврда ислом дини сиёсийлашуви жараёни жадаллашишининг асосий сабабларидан бири умумжаҳон модернизацияси ва глобаллашувнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири кучайишидир. Сиёсийлашув суръати глобаллашув ва модернизация суръатига мос келмоқда, яъни модернизация динни таназзулга учратмади, балки исломни кўзғатди ва фаол ҳаракатга келтирди.

Араб ва мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ва диний вазиятлар таҳлилидан кўрииб турибдики, бошқа мусулмон мамлакатларига нисбатан, араб давлатларининг давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ислом дини катта аҳамиятга ва таъсирга эга (Muhammadsidiqov, 2018). Бу давлатларда ислом омилининг фаоллашуви модернизациялаш жараёнларининг бориши ва натижаларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Араб жамиятида, бир томондан умумий қарама-қарши туриш доирасида давлат даражасидаги дунёвий ва диний компонентлар ўртасида, иккинчи томондан фундаменталист-экстремистлар ва мўътадил диндорлар ўртасида зимдан кураш давом этмоқда. Жамоат онгида диндорлик даражасининг юқорилиги сабабли, анъаначилик, диний фанатизм ва эгалитаризмни олға сурувчи исломчи-фундаменталистик оқим энг катта хавфни юзага келтиради. Мазкур босқичда, энг аввало, ҳукмрон элитанинг ўзи бунга қарши турувчи самарали куч бўлиб хизмат қилади. Зеро, сиёсий исломнинг фаолияти, энг аввало, мавжуд тузумларга қарши қаратилган.

Бир сўз билан айтганда исломнинг сиёсийлашуви ва исломчи сиёсий партияларнинг кучайиши мусулмон жамиятининг тезкор суръатлардаги вестернизацияга нисбатан ўзига хос қаршилиги ҳисобланади. Бундан ташқари, исломнинг радикаллашувига бир қатор ички муаммолар ҳам ўз таъсирини ўтказган. Иқтисодий инқироз, урбанизация, миграция, ижтимоий табақаланиш, ишсизлик, ҳукмрон доиралардаги коррупция, инсон ҳуқуқлари поймол қилиниши, исломчиларга қарши репрессиялар, сиёсий фаолият кўрсатишдаги конституциявий чекланишлар каби сабабларнинг

барчаси исломнинг сиёсийлашувига ҳамда радикал кайфиятдаги ислом ҳаракатлари пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Сиёсий ҳокимиятнинг коррупциялашганлиги, халқ ва сиёсий элита ўртасидаги алоқаларнинг кескинлашиши, мафкуравий иммунитетнинг кучсизлиги сабабли, маҳаллий аҳолида давлат бошқарувига нисбатан ишончсизлик ортиб кетганлиги бу давлатларга ташқи кучларнинг кириб келиши ва инқилобларни амалга ошириши учун қулай имконият яратиб берди. Шу билан бирга, бу ҳокимиятга ташқи кучлар манфаатларига хизмат қиладиган кадрларнинг келишига ҳам имкон яратади.

Ҳозирги даврда «сиёсийлашган ислом»нинг халқаро сиёсатдаги ролининг тобора ошиб бориши ҳамда бугунги кунда баъзи ташкилотларнинг сиёсийлашув ва кескинлашувга мойиллиги Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг барқарорлиги ва тараққиётига жиддий таҳдид сола бошлади. Маълумки, давлатлар хавфсизлигига таҳдид солувчи мазкур омиллар қаторига ислом дунёсидаги (Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Яман, Нигерия, Мали, Сомали, Шимолий Африка давлатлари, Сурия, Покистон, Афғонистондаги) турли махсус йўналтирилган марказларнинг ташқи сиёсий таъсири ҳам киради. Ислом ва маданий цивилизация манбаларидан кенг фойдаланиб, ислом ақидаларини ўзича шарҳлаб, давлат ва дин уйғунлигининг турли шаклларида келиб чиққан ҳолда, мазкур марказлардаги муайян кучлар Марказий Осиёга мафкуравий ва сиёсий таъсир этиш объекти сифатида қараганлар. Мусулмонлар орасида баъзи кишиларнинг радикаллашув сабабини сиёсатшунослар бутун мусулмон дунёсига ёйилган сиёсийлашган радикал ташкилотлар фаолиятининг фаоллашувида деб ҳисобламоқдалар. 1980 йиллардан Марказий Осиёнинг мустақил давлатлари бундай ташкилотлар диний-мафкуравий фаоллигининг асосий полигонига айландилар. Улар жамият учун тўғри келмайдиган ташкилотларни тузишга чақирувчи кўплаб ҳаракатларни, шу жумладан, диний сиёсий партияларнинг ташкил этилишини юзага келтирдилар (Munavvarov, Shnayder-Deters, 2003:11-12). Жаҳон сиёсатида «сиёсийлашган ислом» Шимолий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиёдаги давлатларнинггина эмас, балки дунёнинг бошқа давлатлари хавфсизлиги ва барқарорлигига ҳам жиддий таҳдид солишни давом эттирмоқда. Шу сабабдан, мусулмон дунёсидаги давлатларнинг ташқи сиёсатига ҳамда геосиёсий жараёнларга сиёсий исломнинг таъсирини ҳар тарафлама ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга мазкур мавзунинг атрофича тадқиқ этиш муҳим экани яна қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, замонавий босқичда араб ва мусулмон дунёсида юз бераётган геосиёсий ўзгаришлар даврида муқаддас динимизга нисбатан салбий қараш тенденциялар асосида олиб борилаётган тадқиқотларда ислом билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар сунъий равишда бузиб талқин қилинади. Шу маънода тарихни ва геосиёсий жараёнларда исломнинг ўрнини ҳолисона ўрганиш давр талабидир;

Иккинчидан, айтилган пайтда Ўзбекистон ва бутун дунё жамияти учун таҳдид солаётган «диний экстремизм», «терроризм» ғояларига ҳамда диний-сиёсий партияларга қарши курашиш муаммоси етилгани бу борада комплекс тарзда тадқиқот олиб боришга бўлган талабни кучайтирмоқда. Шунингдек, халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ҳамда тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдириши мумкинлигини одамлар онига чуқур сингдириб бориш керак (Rahimjonov, 2019). Зеро, «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» (Karimov, 1998:6);

Учинчидан, барча динлар, хусусан ислом дини илк даврданоқ тинчлик ва диний бағрикенглик ғояларини илгари сурганини тадқиқ қилиш асносида динларнинг сиёсийлашуви тушунчасининг мазмун-моҳияти, сиёсийлашган исломнинг геосиёсий жараёнларга таъсирини ҳамда бузғунчи ғояларнинг мақсадларини очиб бериш, илмий-назарий таҳлилдан ўтказиш долзарб вазифалардандир. Чунки «дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини =ушёр бўлишга, ҳаром йўللardan узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради» (Karimov, 1992:23). Президент Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз муҷассамининг ифодаси сифатида беҳад кадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади» (Mirziyoyev, 2017);

Тўртинчидан, ҳозирги кунда Қуръон ва ҳадислардаги уруш, жиҳод тўғрисидаги кўрсатмаларни нотўғри талқин қилиш, исломий дунёқараш ва урф-одатларни бузиб кўрсатиш ҳамда ислом динини терроризм, экстремизм билан асоссиз боғлаш ис-

ламофобия ривожига таъсир қилаётган омиллардан ҳисобланади. Оятларни илмий таҳлил қилиш тинчлик ва бағрикенглик масалаларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон яратади ҳамда ислом динининг бу борадаги мавқеини тўғри англаб етишга ёрдам беради. Аслида «Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга мураса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади» (Karimov, 1994:114). Президент Ш.М.Мирзиёев «Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват этмайди. Агар Қуръони қаримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келади», – деб таъкидлайди (O'zbekiston axborot agentligi, 2018).

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда давлатлараро муносабатлар ҳам тобора жадаллашиб бормоқда. Аммо бу муносабатлар мувозанатини ўз фойдасига буриш, ўз миллий манфаатларини бошқа халқлар манфаатларидан устун қўйиш («оёқ ости» қилиш маъносида) каби носоғлом мақсадларни ўзининг ташқи сиёсат принципи даражасига кўтариш каби жараёнлар нафақат айрим давлатлар миллий суверенитетига дахл қилмоқда, балки инсоният олдида юзага келаётган глобал муаммоларни ҳал қилиш тизимига путур етказмоқда. Айниқса, ўз миллий манфаатларини умуминсоний қадрият бўлган демократияни «экспорт» қилиш («демократия никоби») орқали бошқа давлатларнинг ички масалаларига, суверенитетига аралашиб таҳдидини ҳам ва унинг келтириб чиқарувчи салбий оқибатларини ҳам илмий асосда тадқиқ этиш лозим.

2010 йилнинг охирларида Шимолий Африка давлатларида бошланиб, кейинчалик бу инқилобларнинг «Араб баҳори» деб ном олгани бу инқилоблар сценарийлари бугунги кунда ҳам давом этаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Демократияни «экспорт» қилишнинг бундай усули жаҳонда ҳукмронликка интилаётган давлатларнинг геосиёсий мақсадларига эришиш воситаси бўлиб, бу йўлда турли ноҳукумат ташкилотлар, диний-экстремистик гуруҳлар ва мухолифатлардан уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш орқали фойдаланилаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Араб баҳорининг араб мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир даражаси турлича бўлди. Шартли равишда Араб баҳорининг ижтимоий-сиёсий ларзалари давлатлар сиёсий жараёнлари характерида чуқур из қолдирган Тунис, Миср, Яман, Баҳрайн, Ливия, Сурияни ва бу ҳодисалар фақатгина юзаки таъсир кўрсатган Марокаш, Иордания, Ливан, Жазоир, Кувайт, Саудия Арабистони, Ўмон каби давлатларни келтириш мумкин (Isaev, 2013:1448). Юқорида қайд этилган бирин-

чи гуруҳ давлатларида «демократизация тўлкини» сиёсий тузумлар ағдарилишига олиб келди ва Тунисда З.Бен Али, Мисрда Х.Муборак, Ливияда М.Каддафи режими кулади ва нихоят 2019 йил 11 апрель куни мамлакат армияси исён кўтариши оқибатида 1989 йилда айнан ҳарбий тўнтариш ортидан ҳокимиятга келган ва мамлакатни 30 йил бошқарган Судан президенти Умар ал-Башир ҳокимиятдан ағдарилди.

Араб баҳори даврида аввалдан ижтимоий-иқтисодий талаблар кўтариб чиқилган давлатларда фуқароларнинг ўзини-ўзи ёқиш ҳолатлари кузатилди: Тунис (Муҳаммад Буазизий), Миср (Абдул Мунъим Камол), Яман (Ф.Султон). Қўзғолончилар фақат сиёсий талаблар билан чиққан мамлакатларда эса бундай ўз-ўзини ёқиш ҳолатлари кузатилмаган.

Бирок, ижтимоий-сиёсий трансформация жараёни минтақадаги бошқа мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, Жазоир мухолиф кучлари Мисрдаги ғалаёнлардан руҳланиб, сиёсий талабларни қўя бошлади. Лекин, Жазоирда амалдаги сиёсий режим сақланиб қолишига президент А.Бутафлика қўшни давлатлар президенти каби узоқ муддат давомида ҳокимият тепасида бўлмаганини сабаб қилиб кўрсатади. Иккинчидан, Жазоир жамияти 1990 йилларда урушни бошидан кечиргани ва жамият учун тубдан ўзгаришлар эмас, барқарорлик муҳимлиги билан ифодаланади. Учинчи, яна бир муҳим жиҳат Жазоир сиёсий ҳаётида исломий партиялар асосий ўрин эгаллаганидадир.

Судандаги инқилоб мамлакатда 2018 йил 19 декабрдан бери давом этаётган, 30га яқин шаҳарни қамраб олган кўп минг кишилик норозилик намойишлари вақтида рўй берди. Оммавий акциялар дастлаб нон ва бошқа озиқ-овқат турлари нархини пасайтиришга қаратилган эди, кейинроқ эса намойишчилар президент истеъфосини ҳам талаб қила бошладилар. Бу эса кучишлатар тузилмалар билан тўқнашувларни кучайтирди, улар аҳолига қарши кўздан ёш оқизувчи газ, дубинка ва ўқотар қуроллар қўллай бошладилар – тахминан 50 киши қурбон бўлди. Бу тўқнашувларда армия аҳоли тарафда туриб, намойишчиларни ҳимоя қилди. Кейинроқ Ички ишлар вазирлиги намойишларни бостиришда қатнашмаслигини маълум қилиб, тарқалиб кетди (kun.uz, 2019).

2019 йил февраль ойига келиб, ал-Башир мамлакатда 20 йил ичида илк марта фавқулодда ҳолат жорий қилишга мажбур бўлди. Инкироздан чиқиш учун юқори мартабали қатор мулозимлар, жумладан барча провинциялар раҳбарлари алмаштирилди. Президент тартибсизликларда мамлакат ғарбидаги Дарфур вилоятида жойлашган қуролли мухолифатни айблаб, халққа мурожаат билан чиқиш

қилди. Аммо бу чоралар уни кутқариб қола олгани йўқ.

Маълумотларга кўра, инқилобдан сўнг дарҳол барча сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилган. Шу билан бирга, ҳарбий кенгашнинг сиёсий қўмитаси раиси Умар Зейннинг маълум қилишича, собиқ президент Умар ал-Башир Халқаро жиноий судга топширилмайди – у Суданда суд қилинади.

Зеро, Гаагадаги Халқаро жиноий суд 2009 йилда ал-Баширни қўлга олишга ордер берган эди. Умар ал-Башир Дарфур вилоятидаги ҳарбий можарони ваҳшийларча бостириб, тинч аҳолини ўққа тутишга шахсан ўзи буйруқ берганликда айбланади. Айбловнинг 7 та бандидан 5 таси унинг инсониятга қарши жиноятларга, 2 таси эса ҳарбий жиноятларга алоқадорлигини кўрсатади (kun.uz, 2019).

Таъкидлаш керакки, Суданнинг табиий бойликларга бой ғарбий вилояти – Дарфурда 2003 йилда бошланган ҳарбий можаро инсоният тарихидаги энг даҳшатли геноцидлардан бирига олиб келган. БМТ маълумотларига кўра, этник ва сиёсий тўқнашув натижасида 300 мингга яқин инсон қурбон бўлган. Бошқа ҳисоб-китобларга кўра, ҳалок бўлганлар сони 178258 нафардан 461520 нафаргачани ташкил этади. Ушбу низо давоми сифатида Чадда иккинчи фуқаролик уруши бошланган, 2011 йилда мустақил Жанубий Судан давлати ташкил топганди.

2009 йилда Гаага суди ордерида кейин ўтган ўн йил давомида ал-Башир фақатгина уни судга топширмасликка қафолат берган давлатларгагина сафар қилган (kun.uz, 2019).

Шимолий Африка давлатлари бошидан кечирган ва кечираётган трансформациялар ҳар бир давлатнинг ўзига хослиги, яъни ушбу давлатларнинг миллий ва давлат қурилишининг қайси босқичини бошдан кечираётганига қараб турли ўзгаришларни келтириб чиқарди:

– демократлашув жараёни – Тунис ва Миср каби давлатлар сиёсий тизимларида янги элементлар пайдо бўлиши, амалдаги режим ағдарилиши ва конституциявий ўзгаришларнинг жорий этилиши;

– либерал-демократик ислохотларнинг жадаллашуви жараёни – Марокаш ва Иордания каби давлатлар ва бошқа республика тизимлари учун кучли ларзаларсиз, лекин амалий натижаларга олиб келувчи ислохотларнинг амалга оширилиши;

– секин либераллашув жараёни – Форс кўрфази монархиялари учун амалдаги ҳокимиятни сақлаб қолган ҳолда, либерализация элементлари жорий этилиши;

– сиёсий тарқоқлик (парчаланиш) ёки ярим тарқоқлик (ярим парчаланиш) жараёни – Ливия, Яман, Сурия каби давлатлар учун вазиятнинг оғирлашуви ва мамлакат сиёсий истиқболини белги-

лашда ноаниқлик даври. Бу даврда ушбу мамлакатлар сиёсий истиқболини белгилашда минтақавий гегемонлар (САП, Туркия, Эрон) ва дунёда этакчи давлатлар (Россия, ХХР, АҚШ, Франция)нинг минтақада шакллантирадиган кучлар мувозанати муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда минтақадаги ҳар бир давлат ичидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши қўшни давлатларга тўғридан-тўғри таъсир этади. Араб давлатларида сўнгги йилларда содир бўлган ўзгаришлар янада қийин ва ўзаро боғлиқ вазиятни вужудга келтириб, нафақат қўшни минтақалар, балки жаҳонда хавфсизлик ва барқарорлик нисбатининг ўзгаришига олиб келади.

Юқоридаги таҳлилларга таянган ҳолда хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биринчидан, минтақада ижтимоий-сиёсий вазиятларнинг асослари охириги ўн йилликда минтақа давлатларининг ички можаролари, давлатлараро сиёсий, иқтисодий уруш ва қуролли курашлар, конфессиялараро, турли кланлар ва миллий-этник, диний-этник қарама-қаршиликлар кўринишида ривожланмоқда. Бу тенденция сақланиб қолмоқда. Бу тенденциянинг охиригиси «Араб баҳори» воқеалари, Ливиядаги турли ҳудудлар ўртасида маҳаллийчилик, йирик шаҳарлар аҳолиси ўртасидаги қарама-қаршиликлар, Шимолий ва Шарқий Африка минтақаларида террорчи, экстремистик кучларнинг хатти-ҳаракатлари фаоллашуви муаммоси дунё жамоатчилиги эътиборида турибди.

Иккинчидан, араб давлатлари, хусусан Тунис ва Миср сиёсий режимлари трансформациясини вужудга келтирган яширин сабаблар эса минтақани демократлаштириш ғоялари билан боғлиқ. Бу минтақада демократлашув масалаларини НАТО, ЕИ, АҚШ каби ташқи ўйинчилар ўз ташқи сиёсий фаолиятининг йўналишларидан бири сифатида қараган. Лекин, минтақани демократлаштириш минтақадаги кучли авторитар тузумли давлатлардаги қаршилик ҳисобига қийинлашган.

Учинчидан, Миср, Тунис ва Ливияда аввал бўлгани каби ноқонуний иммигрантлар учун кучли чегарани қайта ўрнатиш мушкул иш ҳисобланади. Африка ва Яқин Шарқ давлатларидан келаётган ноқонуний иммигрантлар Европа ва турмуш даражаси юқори бўлган Форс кўрфази монархиялари учун катта муаммога айланиб бормоқда.

Тўртинчидан, 2011 йилда араб давлатларида юзага келган рангли инқилоблар характери қисқа муддат ичида етилган ички муаммолар билан изоҳланмайди. Аксинча, ушбу давлатларда ижтимоий, иқтисодий-сиёсий вазиятнинг йиллар давомида кескинлашиб келганлиги жамиятда, давлат бошқарувида ижтимоий портлашларнинг юз беришига олиб келди. Бу ҳолат эса минтақадаги

ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатаётган ташқи кучларнинг ички беқарорликдан фойдаланиши, инқилобларни ташкиллаштириш орқали минтақада сиёсий беқарорликни келтириб чиқариши учун имконият бўлиб хизмат қилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Idirov U.Yu. Zamonaviy dunyoviy tartibotni shakllanish jarayonlarining geosiyosiy jihatlari // XXI asrda jahon siyosati va O'zbekiston tajribasi: siyosiy, huquqiy va ijtimoiy jihatlari: ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – T.: ToshDSHI, 2016.
2. Isaev L.M. Faktori destabilizatsii arabskix respublikanskix rejimov v xode Arabskoy vesni // Sotsiologiya globalnix protsessov, transformatsii I razvitiye. – M.: Noviy vzglyad, 2013.
3. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. – T.: O'zbekiston, 2015.
4. Karimov I.A. «Tafakkur» jurnali bosh muharriri savollariga bergan javoblaridan // Tafakkur. – Toshkent, 1998. – № 2.
5. Karimov I.A. Istiqlol yo'li: muammolari va rejalari. – T.: O'zbekiston, 1992.
6. Karimov I.A. Istiqlol va madaniyat. – T.: O'zbekiston, 1994.
7. Kun.uz sayti. Sudanda davlat to'ntarishi: Afrikada eng uzoq hukm surgan diktatorning ag'darilishi tafsilotlari <https://kun.uz/news/2019/04/13/sudanda-davlat-tontarishi-afrikada-eng-uzoq-hukm-surgan-diktatorning-agdarilishi-tafsilotlari>
8. Munavvarov Z.I., Shnayder-Deters V. Muqaddima // Islom va dunyoviy davlat. – T.: Imom Buxoriy jamg'armasi, F.Ebert nomidagi jamg'arma, 2003.
9. Munavvarov, Z., & Jo'rayev, Z. (2018). AL-MAWARDI'S WORK «AL-AHKAM AS-SULTANIYYA WA-L-WALAYAT ADDEENIYYA»– AS AN ESSENTIAL SOURCE ON THE HISTORY OF STATEHOOD IN THE MUSLIM WORLD. The Light of Islam, 2018(1), 3.
10. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF «RELIGIOUS FACTOR» ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. The Light of Islam, 2018(1), 18.
11. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 19 sentabr kuni BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so'zlagan nutqi. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
12. O'zbekiston axborot agentligi <http://uza.uz/oz/society/alblarga-uzur-k-ngillarga-surur-ba-ishlagan-musoba-a-27-04-2018>
13. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. The Light of Islam, 2019(1), 12.